RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 18 mart, Juma

6 (312) son

НАВРЎЗ МУБОРАК!

Бу кунлар қутлуғ кунлар, сурурли кунлар. Баҳорнинг, Наврўзнинг сўлим нафаси, майин эпкинлари юртимизда бўй-лаб кезмоқда. Барчанинг дилида янги кунлар, яхши кунлар умиди.

Бизнинг «Миллий тиклаиш» партиямиз учун бу йил жуда самарали бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга депутатлар сайлаш жараёнларида партиямизнинг эришган натижалари бизни ва барча партиямиз хайрихоҳларини қувонтирди. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият олиб бораётган 11 нафар депутатларимиз Сиз-азиз Юртдошларимизнинг хизматингизга бел боғлаганлар. Уларнинг ниятлари эзгу, мақсадлари улуғ.

Бу йил «Миллий тиклаиш» партияси учун шуниси билан ҳам қадрлики, 2005 йилда партиямиз ташкил этилганлигининг 10 йиллигини нишонлаймиз. Шу йиллар давомида партиямиз сафи давримизнинг етук кишилари, ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кенгайгани ва кенгайиб бораётгани қувончли ҳолдир. Миллий тикланиш моҳиятини англаб етганлар, партиямиз дастуридаги вазифаларни чин дилдан ёқлаб, қўллаб-қувватлаётганлар кўпчиликни ташкил қилаётгани ҳам қалбимизда катта умид уйғотади. «Миллий тикланиш» келажагига сайлов жараёнларида сайловчилар томонидан катта ишонч билдирилгани, партиямизга халқ ишончининг ортиб бораётганининг ўзи бир саодат. Ютуқларнинг ҳаммаси ўзимизники. Олдиндаги режаларни амалга ошириш, элимиз ишончига шижоат билан жавоб қайтариш бош мақсадимиз. Бу сўзлар баландпарвоз сўзлар эмас. Бу биз-«Миллий тикланиш»чиларнинг Сиз азизларга айтмоқ истаган дил сўзларимиз.

Азиз Юртдошлар!

Сиз ҳам уйғониш фаслида, Наврўз айёми арафасида бир олам ёруғ ўй-хаёллар билан яшаётганингиз аниқ. Жамиятимиз тараққиёти, юртимиз равнақи йўлида қилаётган ишларингиз бароридан келсин! Баҳор қалбингизга гўзаллик, янгиликларга тўла кайфият олиб келсин. Бугун ташлаётган ҳар бир солиҳ қадамингиз, қилаётган эзгу амалларингиз эртага, албатта, мева беражагига ишонинг.

Биз-«Миллий тиклаиш»чилар ҳам барча эзгу ниятли юртдошларимиз қатори ҳамиша мустақил Ватанимизда тинчлик, фаровонлик ҳукм суришига, халқимизга доимо бой-рамлар шукуҳи ёр бўлишига, шу азиз юртга суқли кўзини тикканларнинг бад ниятлари ҳеч қачон амалга ошмаслигига ишонамиз.

Янгиликлар, яхшиликлар, гўзаллик айёми — Наврўз барчамизга қутлуғ бўлсин. Шу она тупроқни, азиз Ватанимизни Оллоҳ ўзи қўлласин. Бу юртнинг паҳлавонлари ҳамиша элнинг юкини елкасига олсин, бу юрт сулувларининг қошидан ўсма, кўзидан сурмаси аримасин. Дуогўй онахон-отахонларимизнинг нуроний чеҳралари доимо даврларимизга файз қўшсин! Юртимиз боғларидан Баҳор кетмасин!

Байрам муборак, азиз Юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.Йиғилишни фракция раҳбари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2005 йилга мўлжалланган иш режалари муҳокама қилинди. Ҳар бир қўмитанинг иш режалари «Миллий тикланиш» фракцияси нуқтаи назаридан жуда чуқур ўрганиб чиқилди. Фракция аъзолари таклифлар ва танқидий фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

ЎзМТДП Марказий Кенгашида

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши аъзолари ва фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, Марказий Кенгаш аъзолари, Тошкент шаҳрининг 11 та туманидаги партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари ва кўплаб жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузаси асосида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси олдидаги вазифалар белгилаб олинди.

«Миллий тикланиш» фракцияси раҳбари Х.Дўстмуҳамедов партия ташкил топганининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш хусусида алоҳида тўхталди.

«Сиҳат— саломатлик» йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури асосида партиянинг олдига қўйган мақсад ва вазифалар, ўтказиладиган тадбирлар режаси ҳақида Қонунчилик палатаси депутати М. Қориева сўзга чиқди.

Шунингдек, йиғилишда Қаландар Абдураҳмонов, Лола Саидова, Ойдин Хожиева, Жаннат Тошматова, Абдуқуддус Абдураҳимов ва бошқалар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилишда партиянинг бир гуруҳ фаол аёлларига совғалар топширилди.

АЁЛ – ОЛАМНИНГ КЎРКИ

Бугун мустақил Ўзбекистон аёллари нафақат оила кўрки, жамиятнинг ҳам файзи, фаол аъзолари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўлида дунёни тебратади, деган гапни муболаға дегингиз келмайди. Партиямиз сафида ҳам хотин-қизлар сонининг кундан-кунга ортиб бораётгани қувонарли ҳол.

Хотин-қизлар байрами муносабати билан Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўлиб ўтган учрашувда ҳам бу алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу куни «Миллий тикланиш» партиясининг паркентлик фаоллари даврасидаги учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шарифа Салимова ва Мунира Қориевалар ҳам иштирок этишди.

Йиғилишда партия аъзолигига муносиб иш кўраётган аёлларга келгуси ишларида ривож тилаб, миннатдорчилик билдирилди, байрам совғалари тарқатилди.

Бундай учрашувлар вилоятнинг Юқори Чирчиқ ҳамда Қуйи Чирчиқ туманларида ҳам бўлиб ўтди.

ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

Яқинда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Миллий тикланиш» партияси аъзолари билан университет талабалари иштирокида учрашув ўтказилди.

Учрашувни ЎзМДП Марказий Кенгаши аъзоси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро ҳуқуқ» факультети декани Лола Саидова кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Йиғилиш аввалида юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма Мажлисидаги маърузасида айтган фикрлари юзасидан мулоҳазалар билдирилди.Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайринисо Мирзажонова сўзга чиқиб, бугунги кунда миллий тикланиш ғояси билан миллий қадриятларимизнинг боғлиқлигини ҳар қадамда ҳис этиш мумкинлигини айтди ва ёшлар ҳаётида ҳам халқимизнинг ўлмас анъаналарига нисбатан доимий эътибор бўлиши лозимлигини таъкидлади. «Миллий тикланиш» партияси томонидан узоқ йиллар мобайнида қилиб келинаётган асрий анъаналарни тиклаш йўлидаги хайрли ишлар ҳақида гапирилди.

Шундан сўнг партиянинг Шайхонтохур туман кенгаши раиси Ақида Азизовага сўз берилди. Маърузачи ўз сўзида жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтди. Партия Марказий кенгаши котиби Гулжаҳон Мардонова сўзга чиқиб, партиямиз дастурида тилга олинган,талабаларни ўйлантираётган муаммоларга ҳамоҳанг руҳдаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларни билдирди.

Учрашув қизғин савол-жавоблар билан якунланди.

Ўз мухбиримиз.

Сурур

ҲАЁТ ГУЛЛАРИГА БУРКАНДИ ОЛАМ

Чечаклар шитирлаб барг ёзади. Дарахт новдаларида умидлар куртаклайди. Ҳар гиёҳ, ҳар чечак тасбеҳ айтиб, ердан бош кўтаради. Қуёш заминга янада яқинроқ интилади. Офтобнинг илиқ тафтидан эркаланиб замин уйғонади. Қиш бўйи нафаси ичига чўккан ариқ ва жилғалар кўкламда гўё қўшиқ куйлаб оқади. Қирлар ял-ял ёниб, уфқ билан талашади. Сайроқи қушлар қўшиғи, сўфи-тўрғайлар нағмаси булбул навосига қоришиб кетади. Олам навога, атир исига тўлади. Қуёш кумуш тоғларнинг бошига чиқиб, ўзини ойнага солиб тоза қилаётгандай. Унинг чиройидан тоғларнинг тош кўнгли эриб, жилғага айланиб, йўлини яхшиликка тутиб оқиб кетади.

Наврўз ҳар дарахт, ҳар новдадан гулдаста ясаб, одамларга қучоқ-қучоқ шодлик улашади. Бободеҳқон баркашдек кетмонни елкасига ташлаб, даласига ошиқади. Кетмонига қуёшнинг акси тушиб, гўё у офтобни елкада кўтариб, далага чиқаётган паҳлавонга ўхшайди.

Азалдан халқимиз табиат уйғонаётган бу шуқуҳли кунларни шодлик билан байрам қилади. Бу байрам зардуштийлар даврида мавжуд эди. Чунки, у бевосита табиатнинг уйғониши, деҳқончилик ишлари бошланиши билан боғлиқ удумдир. Наврўз байрами Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар даврида ҳам катта тантана сифатида нишонланган. Ҳатто кейинчалик мўғуллар истилоси даврида ҳам халқ Наврўз байрамини унутмаган, уни нишонлашда давом этган. Халқимиз тарихида Наврўзга бағишланган кўплаб асарлар яратилган. Бундай дилбар кун ҳақида қомусий олим Умар Хайём «Наврўзнома»сида, Фирдавсий «Шоҳнома»сида турли маълумотлар берганлар. Лутфий «Гул ва Наврўз» достонини ёзиб, мамлакатда осойишталик, меҳнаткаш халққа фаровон ҳаёт тилади.

Наврўз билан Қурбон ҳайити бир вақтга тўғри келиб қолганда аллома Рудакий кишиларни «қўй сўйиб нишонланадиган Наврўз» билан табрик этган экан.

XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири ва тарихчи олим Огаҳий Наврўз тасвирини бундай берган:

Баланд айлаб қуёшга поя Наврўз,
Кўтарди ер юзидан соя Наврўз.
Келиб файзу нишоту айш бирла
Муҳайё қилди элга воя Наврўз.

Она табиатнинг бетакрор мавсуми НАВРЎЗ-халқ байрами табиатни англашга, идрок этишга, тушунишга чорлайди. Наврўз одамларнинг меҳр, қадр-қиммат ва қадриятларини қайта тиклашга хизмат этадиган ички қувват бағишловчи шодиёнадир. Зеро, Наврўз халқ кайфиятини кўтарувчи, инсоний омилларни жадаллаштирувчи воситалардан бири.

Наврўз-тенглик, эркинлик, дўстлик байрами. Бу кун барча одатий ташвишлардан фориғ бўлиб, турли миллат ва элат вакиллари бир осмон, бир қуёш остида руҳан бирлашиб, байрам қилишади. Байрамдаги завқ-шавқ, кўтаринки кайфият кишиларда келажакка ишонч уйғотиб, эзгуликларга ундаган.

Қадимдан умумхалқ байрами Наврўзни кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилган. Байрам олдидан уй-жойлар тозаланган, ҳовлиқоғлар гуллар билан безалган, янги кийимлар кийилган. Наврўз кунлари кишилар қўни-қўшни, қариялар, ёр-биродарлари ва қариндошлар билан дийдор кўришган, араз-ғиналарга барҳам беришган. Шу улуғ айём давомида беморларни бориб кўриш, ҳол-аҳвол сўраш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланган. Марҳумларнинг қабри зиёрат этилган. Ёлғизлар, боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинган.

Шуниси диққатга сазоворки, Наврўзи Олам бир ой давом этади ва қатор баҳор сайлларини ўз ичига олади. Булар Наврўз, Гули сурх, қўшчи оши, қизлар мажлиси, дала сайли, сумалак сайли ва бошқалар. Наврўз байрамига атаб оилаларда махсус баҳор таомлари-ялпиз, отқулоқ, шўра каби кўкатлардан кўк сомса, кўк патир ва кўк чучваралар тайёрланади. Айниқса, сумалак сайли алоҳида кўтаринкилик билан кутиб олинади.

Ўзбекистонда Наврўзни кенг кўламда умумхалқ байрамига, халқ ҳаётининг узвий бўлагига айланиши мустақиллигимиз самарасидир. Наврўзи Олам тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораяпти. Бу айём ҳамиша янгиланиш ва ёшлик, гўзаллик ва нафосат, меҳр ва мурувват, оқибат ва саховат, бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида нишонланиб келинган.

Бизнинг замонамизда инсоният яратган барча эзгуликлар элу юрт, бутун халқ ихтиёридадир. Халқимиз бой маънавиятининг маҳсули бўлган илғор анъаналар, шу жумладан Наврўз халқнинг гўзал шодиёна айёми бўлиб қолди. Халқ ҳаёти давомида яратилган, халқ турмушига ўрнашиб, унинг таркибий қисмига айланиб кетган байрамлар, маросимлар, удум ва урф-одатлар баркамол инсонни шакллантириш, унинг маънавий дунёсини бойитишда муҳим ўрин тутади. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлиги остида бу иш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Наврўз байрамида барча меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, туман ва шаҳарларда маданий тадбирлар бўлиб ўтади. Сайиллар, байрам кечалари уюштирилади. Мушоиралар, адабий суҳбатлар, учрашувлар, концертлар ўтказилади. Гуллар, кўчатлар экиш, ободончиликка оид ишлар кенг кўламда олиб борилади.

Наврўзнинг кишиларимиз маънавий маданиятини ошириш, эстетик дидини ўстиришдаги аҳамияти беқиёсдир. У кишиларга маданий ҳордиқ беришдан ташқари, самарали меҳнат қилиш учун куч ва илҳом бағишлайди. Мамлакатимизда яшовчи турли миллат вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз санъатлари билан сайилларни қизитишади, бу эса байрамга дўстлик руҳини бағишлайди.

Аслида Наврўз меҳр-муҳаббат, саховат сабоқларини бераётгандай, бутун оламга бир хил тароват, зиё, яшариш, янгиланиш бахтини насиб этади. Юртимизни ҳаёт гулларига тўлдирган, уни меҳрга чулғаган Наврўзи Олам, хуш келдинг, ташрифингдан мудом Эл хушвақт!

Самад АМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Сирожиддин САЙИД

НАВРЎЗ ҚЎШИҒИ

Фалак бизни балолардан асрадими?
Юлдузлардан бойчечаклар сачрадими?
Бир куртакка алмашдим бор ҳасратимни,
Олам эски, лекин ўнгу сўлим янги.

Осмон бўлди бир кечада ҳорғин баҳрим,
Тўй бошлади чақинларим, ёмғирларим,
Гўё ҳозир яп-роқ ёзар томирларим,
Гўё эски қалам тутган қўлим янги.

Ойларга ҳам алишмасман юзларини,
Қаранг Қўқон, қаранг Сурхон қизларини.
Зулфларию райҳонларнинг исларини
Олиб келган эпкинларим, елим янги.

Эй, кўҳна боғ, кўпдир чеккан азиятинг,
Қуриган шох, дилда сенинг васиятинг,
Эй, сариқ барг, қулоғимда насиҳатинг,
Бу йил энди менинг гулзор, гулим янги.

Ҳар кўнгилга бир янги куй, қўшиқ берсин.
Имон, инсоф, диёнатни қўшиб берсин.
Ҳар бир уйга энг аввал бир бешик берсин,
Ҳеч бир уйга кўрсатмасин ўлим янги.

Бормоқдасиз гарчи Ҳинду Хитойларга,
Умид айланг ўз ерингиз, Худойларга,
Уйларингиз тўлсин бу йил буғдойларга,
Ғимирлаган элим, дашту чўлим янги.

Лолалардан гар айтмадим, қир айтади,
Қолганларин само айтар, ер айтади.
Кўнглим очсам, ҳар гиёҳ бир шеър айтади,
Ростин айтсам, кўксимдаги дилим янги.

ШУҲРАТ ТИКЛАНАДИ

Қаердаки яхши иш шароити яратилган бўлса, ўша ерда самарадорлик бўлади. Инсон эъзозланган жойида азиз. Бу сўзларнинг нақадар тўғри эканлигига бугунги кунда ўз меҳнати билан қадр топганлар – «Гулистон экстракт ёғ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси гувоҳ. Ва бу борада улар ўз раҳбарлари, жамиятнинг йигирма йиллик қадрдони Ким Роман Тимофеевичдан жуда миннатдор.

Роман Тимофеевич 1983 йили Бухоро технология институтини битириб келгач, беш йил шу ерда муҳандис бўлиб ишлаган. Кейин ҳам олиса кетгани йўқ, шаҳар ҳокимлигида ишлаб юриб яна ҳиссадорлик жамиятига раис муовини бўлиб қайтди. Йиллар давомида корхонанинг муаммолари, пастбаланди унга кафтдек намоён бўлганди. Муаммолар ечими юзасидан кўп бор ўз таклифлари билан чиқарди. Бу одамнинг тошқин ғайрати, кўнгил топа олиши, масалани жойида ҳал қилиш хислати ҳеч кимга сир эмасди. Шундан бўлса керак, уни 2004 йилнинг июн ойида ҳиссадорлик жамиятига раис этиб тайинлашди.

Роман Тимофеевич биринчи кунданоқ ишчиларнинг ойлик маошларини вақтида олишларига эътиборини қаратди. Корхона тубдан қайта таъмирланди, янги ускуналар билан жиҳозланди. Корхона бир кеча-кундузда 1200 тонна чигитни қайта ишлайдиган қувватга эга бўлди. Аввал-лари бу кўрсаткич 900-950 тоннадан ошмас эди.

Раҳбар яна бир муҳим жиҳатга эътиборини қаратди. Маҳсулотнинг ташмачилик билан ташқарига чиқиб кетмаслиги учун назоратни кучайтирди ва бу ўз кутилган самарасини берди.

Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун. Корҳонада ишчилар учун етарли шароитлар яратилган. Ишчилар иш кийимлар билан таъминланган. Жамият ишчилари учун ошхона, алоҳида поликлиника ва сиҳатгоҳ хизмат кўрсатиб турибди.

Кам таъминланган оилаларга, Меҳрибонлик уйларига кўрсатиладиган беминнат хайрияларга раиснинг ўзи бошқош. Меҳрибонлик уйларидаги айрим болаларни ҳиссадорлик жамияти ўз оталиғига олган.

Раҳбар учун тегишли билим, тажриба ва юқори малака албатта зарур. Ана шулар Роман Тимофеевичда бўлганлиги учун ҳам «Гулистон экстракт ёғ» тараққиёт йўлидан бормоқда. Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бирлаҳза бўлса ҳам депсиниб туриб қолмаслиги учун изланишлар олиб борилди. Аввало, корхонанинг имкониятлари ўрганиб чиқилди. Аслида бир йил давомида уч юз минг тона чигит қайта ишлаб чиқарилиши керак. Бироқ вилоят пахта тайёрлаш шартномавий режасини уддалай олмаяпти. Натижада корхона бир йилда 55-60 минг тонна чигитни қайта ишлаяпти, холос. Хўш, корхонани, ишчиларни узлуксиз иш билан таъминлаш учун нималар қилиш зарур?

Корхона учун Сардоба туманидан 200 гектар экин майдони ажратилган. Ўша майдонга кунгабоқар, пахта ва бошқа экинлар экиб, парваришлаб писта ёғи, совун олишни йўлга қўйиш учун ҳаракат бошлаб юборилди.Шу билан бирга ҳиссадорлик жамиятида янги цех қуриб битказиляпти. Ҳадемай бу цехда линолеум, плита ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар учун хом ашё етказиб берила бошланади. Худди шу каби режалар ҳали бирталай.

«Гулистон экстракт ёғ» ҳиссадорлик жамияти бир вақтлар энг йирик, энг кўп маҳсулот берувчи саноат иншооти бўлган. Бугун ана шу шуҳратни қайтариш, ҳаммадан ҳам уни эл манфаати, халқнинг фаровон ҳаётига хизмат қилдириш йўлида амалий ишлар қилинмоқда.

Роман Тимофеевич тадбиркор, ташаббускор, одамшаинаванда, ўз сўзининг устидан чиқадиган инсон бўлганидек, бошқаларнинг ҳам худди шу хислатларини қадрлайди. «Энг ёмон кўрганингиз» деган саволимизга Роман Тимофеевичдан «Таъмагирлик, у бор жойни ҳаллолик тарк этади. Нопок жойда эса, барака бўлмайди» деган жавобни олдик.

– Роман Тимофеевич Ким чўрткесар, талабчан, ҳалол инсон, – дейди биз билан суҳбатда узоқ йиллардан буён шу ерда ишлаб келаётган ишчилар Нурбек Шўхбердиев, Мурод Жўраев, Дилбар Усмоналиева, Башорат Холбоевалар. – Ўрнатилган мустаҳкам интизом, ишчиларга яратилган шароитлар жуда катта самара беряпти. Бундан ташқари манфаат бор жойда ҳаракат бўлади. Раҳбаримиз ҳамма нарсадан ҳам ишчилар манфаатини юқори қўядиганлардан. Меҳнат ҳам шунга яраша бўлади-да.

Ким Роман Тимофеевич халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутати. Зиммасида залворли юк, олдинда кенг кўламли режалар.

Энди фақат олға! Бу-серғайрат раҳбар билан бирга самарали меҳнат қилиб келаётган жамоанинг шу кунги дил истаги.

Маматқул БОЗОРБОЕВ,
Сирдарё вилояти.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН

Болалигимизда ёши катта отахон-онахонлар нонни авайлаш, уни эъзозлаш кераклиги ҳақида кўп ибратли риваятлар, панд-насиҳатлар айтишарди. Раҳматли бобом кўча-куйда юрганларида йўлга тўкилган нон ушоқлари, ташлаб кетилган нон бурдаларини териб келар ёки ҳовлимиздан ўтадиган ариқдан оқиб келган нонларни олиб қўяр эканлар, бошларини афсус билан тебратиб «боннинг уволидан қўрқиш керак» деб қўярдилар. Бобом ўша нонларни аввал ўпар, кейин кўзларига суртардилар. Энди бобомнинг ўша одатларни эслар эканман, нонни ҳамиша азиз биладиган халқимизнинг ўтитлари бежиз эмаслигига дил-дилимдан иқрор бўламан.

Доно халқимизнинг тилидан тушмайдиган дуолари, эзгу одатларининг бир қанчаси нон билан боғлиқ. «Уйинг бўғдойга тўлсин», «нондай азиз бўлгин» дея қилинадиган дуолар, «нон синдирар» маросими, узоқ сафарга кетаётган одамга нон тишлатиш одатлари-булар барчаси ризқ-рўзимиз бўлган боннинг кўпни кўрган элимиз учун қанчалик эъзозли эканидан далолатдир.

Халқимизда «нонни азиз тутганнинг ўзи ҳам азиз» деган гап бор. Янгийўлнинг Халқободидаги Одил Бекхўжаев номли нон корхонаси жамоаси ва жамоа раҳбари Ўлмас ота Машариповларнинг фаолияти билан танишар экансиз бу сўзлар ўз исботини топганига гувоҳ бўласиз.Элимизнинг дастурхонини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида ҳалол хизмат кўрсатиб келаётган жамоанинг ишлари таҳсинга лойиқ. «Ўз қўлинг билан қилинган меҳнатнинг роҳатидан лаззатлироқ нарса йўқ». Корхона раҳбарининг ҳамиша таъкидлайдиган бу ибратомуз сўзлари ишчиларнинг доимо ўз ишларидан қувониш, ҳалол меҳнатдан қониқиш каби туйғуларига давомийлик бахш этиб келаётгандек.

Дарвоқе, корхона раҳбари ҳақида икки оғиз сўз. 75 ёшли Ў.Машариповни корхона ишчилари эъзозлаб Ота дея мурожаат қилишади. Раҳбар тадбиркор, серғайрат, ҳалол, ишчиларига меҳрибон бўлса, иш ҳам шунга яраша бўлади. Бу-корхона ишчиларининг ўз раҳбарларига нисбатан айтган эътирофлари.

Корхонада маошларнинг ўз вақтида тўланаётгани, корхонада молиявий барқарорликнинг таъминлангани ҳам шубҳасиз, жонкуяр раҳбарнинг ҳаракатлари самарасидир.

Ўлмас ота ҳалолликни қадрлайдиган, тўғриларни қўллаб-қувватлайдиган, саховатли, қўли очиқ инсон. Саховатнинг энг яхшиси эса, миннатсиз, ҳеч қандай ғаразсиз қилинганидир. Саховатпешалик инсонни улуғлайди. Ўлмас ота қаерга борсалар ўша ерга файз кириши ҳам балки шундандир.

Раҳбар меҳрибон бўлиш билан бирга талабчан бўлса, бу ҳам ўша жамоанинг ютуғи.

– Киши меҳнатдан қочмаса, ҳалол меҳнатнинг нонини еса, ҳеч қачон хор бўлмайди. Топганларига Яратганнинг ўзи баракот беради. Меҳнат билан обрў топган одам меҳнатга ёпишаверади, – дея сўзлайдилар Ўлмас ота. – Одам мансабига мағрур бўлмаслиги керак. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Инсондан фақат қилган яхшилиги қолади. Азалдан бизнинг халқимиз бир-бирига оқибатли бўлиб келганлар. Айниқса, байрам, ҳайитларда якка-ёлғизлардан, ногиронлардан, ёрдамга муҳтож кишилардан ҳол сўраш эзгу одатга айланиб кетган. Корхона ишчилари учун Наврўз арафасида дастурхон ёзиб, ош ва сумалак тортилади. 25 нафар нафақага чиққан ходимларимизни ҳам байрам тантаналарига таклиф қилиб, моддий рағбатлантириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Наврўз байрами кунлари Одил Бекхўжаев номли нон корхонасининг пойтахт ва туман марказида нон, макарон маҳсулотлари билан савдо қилувчи кўчма шахобчалари ташкил қилинади.

Ўлмас ота ўз сўзлари давомида баҳорги экин-тикин мавсуми бошланиши олдидан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлангани, тумандаги қабристонларни ободонлаштириш учун 500 минг сўм маблағ ажратилгани ҳақида ҳам айтиб ўтдилар. Кекса донишмандларга хос ўй-мулоҳазалардан сўнг ўз фикрларини сўзлайдиган Ўлмас отанинг сўзларини тинглар экан-миз, бундай раҳбар бошчилигида ишлаётган жамоанинг ҳамиша ардоқда бўлишига ишондик.

Мансур ҚОДИРОВ.

ДЎСТЛАР

Ҳайвонлар ҳам одамлар сингари дўст тутинишга муҳтождирлар. Ўтлаб юрган ҳайвонларни кузатганингиз борми? Улар ҳархил турларга мансуб бўлишлари мумкин: мисол учун от билан қўй бўлсин, ҳамиша бирга бўладилар. Ҳайвонлар ўртасидаги шу ўртоқлик мени ҳамиша ҳайратга солиб келади. Жек Сэндер деган кимсанинг икки ити шундай ўзаро садоқатга яққол мисол бўла олади.

Шу итларнинг бири Жинго деб аталарди. Тиканли сим қолдирган чуқур тирналишни оғриқсизлантириш учун инъекция қилаётганимда бултер зотидан бўлган шу каттакон оқ ит бирдан ингиллаб юборди. Лекин кейин тақдирга тан бериб, нинани суғуриб олмагунимча матонат билан олдига қараб қотиб тураверди.

Шу маҳал ичида Жингонинг ажралмас дўсти (корги зотидан бўлган) Шкипер унинг орқа оёғини оғзига олиб турди. Столга икки итни ётқизиш ғайри одатий бўлсада, мен шу дўстликни билардим, шунинг учун ҳам уларнинг эгаси столга иккала итни ҳам чиқазганида индамай қўя қолдим.

Мен ярани қўлдан чиқазиб бўлиб, уни тика бошладим. Жинго бўлса, ҳеч нарса сезмаганлиги учун ўзини анча бўш қўйди.

– Жинго, бу ишлар сени бундан буён тиканли сим орасидан ўтмасликка ўргатса керак, – дедим мен.

Жек Сэндер кулиб қўйди:

– Ўргатолмаса керагов, мистер Ҳэрриот. Мен йўлда ҳеч кимни учратмасак керак деб ўйлаб уни ўзим бирга олволгандим, лекин у ювнинг нариги томонидаги бир итни кўриб қолиб, ўша ёққа ўзини урди. Яхшиямки, у този ит экан – Жинго уни қувиб етолмади.

Беморимни силаб:

– Жинго сен уришқоқсан! – дедим. Шунда ит қулоқларигача ийиб кетиб, думини столга урабошлади..

– Киши ҳайрон қолади, шундай эмасми? – деди унинг эгаси. – У ҳамиша – ҳамрўз уруш чиқазиш пайидан бўлади, аммо болалар бўлсин, катталар бўлсин итни не алфозга солсалар, солишаверади. Бағоят хушфеъл ит.

Яра чокларни тикиб бўлдим ва игнани асбоблар қўйилган столдаги тобоққа ташладим.

– Бултерлар атайлаб уруштириш учун урчитиб келинган. Бу ерда Жинго ўз зотининг азалий инстинктига амал қилган, холос.

– Буни биламан. Уни тасмадан бўшатиб юбориш олдидан теварак атрофни кўздан кечириб чиқаман. Ахир у ҳар ғандай итга бориб ташланади.

– Мана, бу ундан истиснодир! – мен кулиб кичкина коргига ишора қилдим. У биродарининг оёғидан тўйиб олиб, энди унинг қулоғи билан овора эди.

– Гапингиз тўғри, ажойибу ғаройиб: менимча, у Жингонинг қулоғини узиб олганидаям, у ҳатто ирилламасди ҳам.

Дарҳақиқат ажиб бир қилғулик. Корги ўн иккига кирган бўлиб, бу аҳвол унинг ҳатти-ҳаракатларига ва кўзига анча таъсир этганди, уч яшар бултернинг эса энди куч-қуввати тўлишиб келаётганди. Кўкракдор, суяклари мустаҳкам, мускуллари қуйма бу бақалоқ ит ҳайбатли ҳайвон бўлиб, қулоғини чайнаш ҳаддидан ошганида Шкипернинг бошини бақувват жағлари орасига оҳиста олиб, ит тинчишини кутиб турарди. Шу жағлар пўлат қопқондек раҳм-шафқатсиз бўлиши ҳам мумкин эди-ку, лекин кичкина бошни суядиган қўлдек ушлаб турарди.

Орадан ўн кун ўтгач, Жек чокларни сўкиш учун иккала итни ҳам келтирди. У итларни столга чиқаргач, ташвиш оҳанги билан гап қотди:

– Мистер Ҳэрриот, Жингонинг негадир мазаси йўқ. Икки кундан бери ҳеч нарса емайди, сувга тушган мушукдек бўлиб юрибди. Ярасига инфекция юққанмикин-а?

– Шундай бўлиши ҳам мумкин! – Мен шоша-пиша энгашиб ёнбошини силаб кўрдим: узун чандиқ сезилади. – Лекин яллиғланишдан ҳеч бир асар ҳам йўқ эди. На шишган жойи, на оғриқ жойи бор эди. Яраси кўнгилдагидек битиб кетибди.

Орқага бир одим ташлаб бултерни кўздан кечирдим. Кўриниши маъюс-думи қисилган, кўзлари бўш, ҳеч нарсага қизиқиши йўқ эди. Унинг шериги оёғини обдон ғажимоқда-ю, Жинго бўлса, шунда ҳам лоқайдликдан чиқмади.

Бундай эътиборсизлик Шкиперга сираям ёқмасди. Энди у оёқни қўйиб, қулоққа ёпишди. Яна танаффалик. Шундан сўнг корги қулоқни қаттиқроқ торта бошлаган эди, салмоқдор бош эгилиб кетди-ю, лекин бултер ҳамон уни пайқамасди.

– Қани, Шкипер, бу ишингни тўхтат! Бугун Жингонинг ўйинқароқлик қиладиган кайфияти йўқ, – дедим мен ва коргини эҳтиёт бўлиб полга туширдим, бу жойда у дарғазаб бўлиб, столнинг оёқларидан айлана бошлади.

Мен Жингони диққат-эътибор билан кўриб чиқдим, юксак ҳарорат бирдан-бир хатарли аломат эди.

– Унда қирқу, олти, Жек. Қаттиқ хаста эканлиги шубҳасиз.

– Хўш, унга нима бўлиди?

– Ҳароратидан келиб чиқсак, қандайдир ўткир юқумли касаллик. Лекин қайси бириси эканлигини бирдан айтиб бериш қийин.

Мен катта бошни силадим, оппоқ тумшуққа бармоқларимни югуртирдим ва изтироб ила ўй сурдим. Бир вақт думи сал-пал ликиллади, шундан сўнг ит менга, ундан сўнг эгасига дўстона боқди. Кўзнинг мана шу ҳаракати муаммони очишга калит бўлди. Мен тезда итнинг юқори қабоғини ағдариб кўрдим. Конъюнктива-кўз жилди нормал пушти тусда эди, лекин тоза оқ парда бироз сарғайган бўлиб туюлди менга.

Ит сариқ касал бўлиди, – дедим мен. – Унинг сийдигида бирон бир хусусият сезмадингизми?

Жек Сэндер бош ирғатиб деди.

– Ҳа. Энди эслаяпман. У боғда бир оёғини кўтарган эди, сийдиги қорамтир бўлиб тушди.

– Бу сафродан. – Итнинг қорнини салгина босган эдим, бултер сесканиб кетди. – Ҳа, бу жойи хастадан-хаста.

Сэндер менга стол орқали қараб:

– Сариқ касал дединизми? Уни қаерда юқтирган экан?

Мен иягимни ишқаб қўйдим.

– Итни шу аҳволда кўриб турганимда биринчи навбатда икки хил имконият назаримга келади-фосфор билан заҳарланиш ва лентоспироз касаллиги. Юксак ҳарорат лентоспирознинг аломатидир.

– Бошқа бир итдан юқтирганмикан?

– Шундай бўлиши ҳам мумкин, лекин кўпроқ каламушлардан ўтган бўлиши керак. Каламуш овларимиди?

– Баъзида. Орқа ҳовлидаги эски товуқхонада каламуш дегани ачиб-бижиб ётибди, гоҳида у ўйнагани ўша ёққа югуриб қоларди.

– Худди шундай! – мен елкамни қисдим. – Бошқа сабабини қидирмаса ҳам бўлади.

Сэндер маъқуллаб бош қимирлатди.

– Ҳар ҳолда касаллиги дарров аниқлаганингиз кўп яхши бўлди. Энди уни тезроқ даволаш мумкин бўлади.

Мен унга бир неча секунд индамай боқиб турдим. Ҳамаси бунчалар содда эмасди. Мен уни хафа қилгим келмади, ахир олдимда маҳаллий мактабнинг муаллими бўлмиш ақл-идрокли, ўзини тутиб олган қирқ яшар эркак турарди. Унга бор гапларнинг ҳаммасини айтиш мумкин ва керак эди.

Инглиз ветеринар дўхтири Ж.Ҳэрриотнинг китобидан Шарофиддин ҚЎНЧИ таржимаси

(Давоми бор).

САМИМИЯТГА ЧЎЛҒОНГАН ҚАЛБ

Ҳаёт бўлганда Абдулла Турдиев 60 ёшга тўларди

Шоирдан шеърлар қолади. Ҳар сатри юрак—нинг қат—қатидан сизилиб, гоҳида пўртана янглиғ отилиб, қоғозлар қатида мунчоқ каби тизилган сатрлар қолади.

Шоирликни қисмат де—гувчилар ҳам, кўнгил эх—тиёжи дегувчилар ҳам то—пилади. Аммо шоир Аб—дулла Турдиевни хотирлаб шундай дегимиз бор.

Абдулла ака учун шеъ—рият Дард ва Қувонч эди.

Дард

Вафотларидан сўнг нашр этилган илк шеърий тўп—ламларини бир—бир ва—рақлар эканман, кўнглим—дан ўтгани шу бўлди.

«Мен айтган қўшиқлар» номли мўъжазгина китоб—чанинг илк мисралари шундай бошланади:

Ўзбекистон байроғи—
Юрак деган матодан.

Мана шу сатрларнинг ўзиданоқ Абдулла Турди—евнинг дардларини англаса бўлади. Дардки, у назмда Ватаннинг, миллатнинг, халқнинг туйғуси—ю, қай—ғуси бўлиб, юрт мустабид тузумдан Озод бўлгач,

Қувонч

бўлиб янгради. Чунки, бу табиий эди. Болалиги кеч—ган Самарқанд вилоятидаги Зарбанд қишлоғида торт—ган азоб—уқубатлари шо—ирнинг буюк Қалбида ўч—мас, мудҳиш хотиралар қолдирган эди.

Урушдан сўнгги бола—ларнинг болалиги йўқ эди, чунки оғир ҳаёт, турмуш, рўзғор тебратиш—уларнинг болалигини ўғирлаб қўй—ганди. Ноҳақликни кўрса чидаб тура олмаслик унда ёшликдан шаклланган феъл—атвор бўлиб қолди. Бир кишига қай бир куни бўлмасин яхшилик қилса, ҳеч бўлмаганда бир киши—дан яхши сўзини, маслаҳа—тини аямаса, Абдулла ака учун ўша кундан яхшироқ кун бўлмасди.

Камина Абдулла Турдиев ҳақида «Ўзбекистон» ра—диоканалининг «Маънавият» муҳарририятининг хотира эшиттиришини тайёрлаш учун бош муҳаррririmиз Ҳазрат Шодиёр Исмат ўғли—дан йўл—йўриқлар олар эканман, у ўз хотираларини шундай ўртоқлашган эди:

—Талабалик давримизда ҳам, мустақил иш бошлага—нимдан сўнг ҳам, Абдулла ака билан бир неча маротаба учрашишга тўғри келган. Ва мени қойил қолдирган жойи шунда эдики, бадиҳагўйликда ҳозиргача ўшандай—Абдулла акадек шоирни учратмадим.

Дарҳақиқат, шоир зоти—нинг камдан—кам вакилига насиб этадиган бадиҳагўй—лик санъати шу—Абдулла Турдиевга насиб этган эди.

Абдулла ака тез—тез ижодкорлар билан учра—шувларга чиқиб турар, бор вужуди—ла улар ҳузурида шеърларидан ўқиб берарди.

Бир сафар Тошкент ви—лоятидаги бир хўжаликка учрашувга бориб, минбар—дан шеърлар ўқиб бўлгач, пастдан кимдир ҳазилнамо гап қилади. Кайфияти яна—да кўтарилиб кетган Абдулла ака ўша заҳотиёқ, минбар—дан тушмасдан ҳалиги ки—шига атаб шеър ўқийди. Шеърдан ҳақиқий санъатдек завқланган хўжалик раиси Абдулла акани қўлтиғидан ушлаб олади—да, бир неча хўжалик илғорларини та—ништира боради ва шу жа—раёнда Абдулла ака ҳар бирларига гоҳ олти қатор, гоҳида саккиз қатор шеърни бадиҳагўйлик санъати—ла айтганда хўжалик раиси Абдулла акани ўша заҳотиёқ бир бош бузоқ билан му—кофотлайди...

ххх

Мен Абдулла Турдиев умрининг сўнгги нафасигача бирга бўлган Моҳира опани зимдан кузатаман. Хаёл ум—монига ғарқ бўлган Моҳира опага негадир ҳалақит бер—гим келмади. Билмадим, бирга ўтказган осуда дам—ларни хотирлаб кулдиларми ёки бошқа бир сабабми... лекин бирпасда қиёфалари жиддий тус олди—да, куни кеча «Шарқ» нашриёти то—монидан чоп этилган «Эрта сўнган юлдузлар» тўпла—мини кўксиларига босганча яна чуқур ўйга толдилар. Каминанинг хаёлидан эса ногоҳ Абдулла аканинг қуй—идаги мисралари ўтди:

Сендек бир аёлни
севмаслик—гуноҳ,
Суқланиб боқмоқ ҳам
гуноҳдир, ҳатто
Сенинг хаёлингдан
излайман паноҳ—
Балки бу—умримда
биринчи хато.

Бугун Абдулла ака ўзлари айтмоқчи, Моҳира опанинг хаёлидан паноҳ топиб, ўз ашъорларида яшамоқдалар.

Абдулла ака ҳаётлик чоғ—ларидаёқ Моҳира опага жуда кўп шеърлар бағишлаганди.

«Шоирлик ҳам...қисмат қўйган...отдир, болам...» шеърида шундай ёзган эди—лар.

Муҳаббатга сиғиндим. ...оҳ, юракдаги «оҳ»им би—лан,
Оллоҳ бизни учраштир—ди бир фаришта «моҳ»им билан.
Шу бояқиш...бир аёлга Яратгандан умр тилаб—
Она—суюк, Она—буюк зотдир, болам.

ххх

Илк китобчалари ҳам «шу бояқиш»нинг меҳнатлари самарасидир. Абдулла ака ёрга вафоли, фарзандга меҳрибон, дўстга садоқат—ли... эҳ—е, санайверсак адо бўлмас сифатлар соҳиби эди. У ҳеч қачон ёлғон гапир—масди. Ёлғончиларни жуда ёмон кўрарди. Ҳақиқат кў—зига тик боқарди. Ҳақ сўзни айтишдан ўзини тия олмас—ди. Яна бир нарса, у киши ҳар куни бирор бир одамга яхшилик қилишга интилиб юрарди.Гўёки шунга тарад—дудланиб кўчага чиққандек таассурот уйғотарди ҳар бир суҳбатдошида. Бу эзгулик ҳеч бўлмаганда бир янги шеър билан изҳор қили—нарди. «Яхшидан боғ қола—ди» деб шуни айтсалар ке—рак, Абдулла Турдиевдан яхши хотиралар қолди қалбларимизда.

Агар Ўзбекистонда хиз—мат кўрсатган маданият ходими, шоир ва журна—лист Абдулла Турдиев ҳаёт бўлганларида 60 баҳорни қаршилаган ва жажжигина бир—биридан ширинтоқ икки набираларини кўта—риб олиб, сокин оқшом қўйнида, шеърлари билан алла айтган бўлар эдилар...

Энди эса Абдулла акани камина янгидан—қайтадан кашф этгандекман. У киши болажонлар учун ҳам шеърлар ёзган экан.

Абдулла аканинг шеър—ларида ортиқча зўриқиш, ташбеҳларга дуч келмай—сиз. Ҳар сатрига миллий оҳанг сингиб кетган бўлиб, у пўртана янглиғ шеърла—рида балқиб туради. Муҳ—тарам Юртбошимизга атаб ёзган шеърида ҳам ана шу—миллийлик нафаси уфуриб тургани учунми, Президентимиз Абдулла акага жавоб мактуби йўл—лаган эди...

Самимий шоир Абдулла акадан уч нафар фарзанд—лар ва бир бисот бўлиб шеърлари қолди. Хотираси эса сатрлар оҳанги ичра оиласи, дўстлари—ю, шо—гирдлари қалбида мангу яшайди.

Камолиддин МИНГБОЕВ.

Баргдек узилиб кетсам, Унутмас мени боғим...
Усмон Носир

Ҳурматли Абдулла Турдиевга

Қадрли укам Абдуллажон!

Менинг номимга йўллаган эҳтиром туйғулари билан йўғрилган шеърингиздаги самимий сатрларингиздан ғоятда таъсирландим. Шеърда таннум этилган барча инсоний хислатлар биргина мени эмас, балки Сиздек ихтидорли фарзандларни тарбиялаб вояга етказган улуғ халқимизга хос деб ўйлайман. Ана шундай олий фазилатлар соҳиби бўлган халқ, миллат бор экан, Ватанимизнинг эртанги куни ёруғ, ризқи-насибаси бутун бўлғусидир. Бундай халқнинг покиза кўнглига ҳеч қандай ғаним қутқу сололмайди, метин иродасини буколмайди.

Келгуси ижодий ишларингизга улкан зафарлар, оилангизга тинчлик-омонлик тилаб

Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримов

Мулоҳаза бекати

БОЗОРДА СУМАЛАК СОТИЛСА...

Азал—азалдан халқимиз орасида сумалак муқаддас таом ҳисобланиб келинган. Бу таомнинг келиб чиқи—ши ҳақида турли хил ри—воятлар мавжуд. Момола—римиз бу таомни фариш—талар таоми деб аташади. Кимки қайнаб турган су—малакни ихлос билан кав—лаб нимаики ният қилса,—нияти ижобат бўлади, деб ишонишган. Бу таом эл—нинг кўкламга етиб олган—лигининг шукронаси си—фатида пиширилади. Қавму— қариндошлар, маҳалла—кўй томонидан бир жойга йиғилиб тай—ёрланади ва барчага тенг тақсимланади. Аммо кей—инги вақтларда сумалакни бозорлардан бемалол со—тиб олиш имконияти ту—ғилди. Кексаларнинг айти—шича, бу таом фақат эҳ—сон қилинади уни сотиш мумкин эмас экан. Улар—нинг айтишларича, очар—чилик йилларида ҳам ҳеч ким бу таомни сотишга ботинолмаган экан.

Тўғри, сумалак тайёр—лашнинг ўзига яраша ма—шаққатлари мавжуд бўлиб, у ҳар кимнинг ҳам қўли—дан келавермайди. Бир томондан сумалакни ҳар ким ўз эҳтиёжига яраша бозордан сотиб олгани ҳам маъқулдир. Қолаверса, ҳозир тирикчилик бора—сида ҳеч кимни айблай олмаймиз.

Бир танишим айтиб қолди, бозордан болала—рига янгилик, деб сумалак сотиб олган экан.Минг афсуски, сумалакни охи—ригача ейишнинг ҳеч ило—жи бўлмабди, сабаби, у яхши тайёрланмаган экан. Момоларнинг таоми деб аталса ҳам уни тайёрлашда пул топиш илинжидами, шошқалоқлик қилаётган—лар ҳам учраб турибди.

Бу табаррук таомни тайёрлаб сотаётганлар озгина масъулият сезсалар яхши бўлармиди?!

Оятулло ЖАББОРОВ.

САҲНАДА ҲАВАСКОРЛАР

Ҳозирги даврда профессионал театрлар билан бир қаторда ҳаваскорлик халқ театрлари ҳам ижодий фао—лиятларини самарали олиб бормоқдалар. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизда 103 та бадиий ҳаваскорлик театр жамоалари бор бўлиб, шу—лардан 43 таси «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» унвонига эга. Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, вилоятларда фао—лият кўрсатаётган халқ театрларининг айримлари ижо—дий изланишлар қилиб, профессионал театр даражасига кўтарилмоқда. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги «Мулоқот» халқ театр—студияси ҳозирги кунда «Эски мачит» Давлат театр студияси даражасига эришди.

Ҳаваскорлик театр жамоаларининг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида шу йилнинг 15—17 март кун—лари пойтахтимизнинг муҳташам Ўзбек Миллий Ака—демик драма театри биносида «Ҳаваскорлик театр жа—моаларининг республика фестивали» бўлиб ўтди. Маз—кур фестивал Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий—маърифий ишлар илмий методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳамкор—лигида ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ғолиб деб топилган 14 та бадиий ҳаваскорлик театр жамоалари ўз саҳна асар—лари билан иштирок этдилар. Андижон вилояти Мар—ҳамат туманидан «Парвона», Бухоро вилояти Жондор тумани Маданият саройи қошидаги халқ театри, Қўқон шаҳридаги З.Мирзатов номли, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз Маданият саройи қошидаги халқ театрлари маҳаллий муаллифларнинг асарлари асосида саҳналаш—тирилган спектакларни намойиш этишди.

Фестивал иштирокчиларининг ижодий чиқишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова, Ўзбекистонда хизмат кўр—сатган артист Марат Азимов, драматург Ҳайитмат Ра—сул, теартшунос Эсонбой Ўринов ва Тошкент Давлат Санъат институти декани Маннон Убайдуллаевлар ба—ҳолаб бордилар.

—Бу фестивални ўтказишдан бош мақсад ёшларни театр санъатига кенг жалб этиш ва шу асосда аҳолига маданий хизмат қилишни янада яхшилаш,— дейди Ўз—бекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов.—Жамоа қатнашчиларининг, ижрочиларининг ижрочилик маҳоратларини юксалтириш, қўйилаётган саҳна асар—ларининг бадиий савиясини ошириш, вилоятларда, ту—манларда қишлоқ аҳолиси учун халқимиз маънавиятига мос келадиган таниқли драматурглар ва маҳаллий му—аллифларнинг асарлари асосидаги спектаклларни саҳ—налаштиришни йўлга қўйишдан иборатдир.

Фестивал якунида ҳайъат аъзолари ғолибларни маълум қилишди. Биринчи ўринга Бухоро вилояти Жондор ту—мани маданият саройи қоршидаги халқ театри лойиқ кўрилди. Иккинчи ўрин Фарғона вилоятидан ташриф буюрган ҳаваскорлар театрига, учинчи ўрин эса Янги—қўрғон ҳаваскорлар театрига насиб этди, ғолиб ва сов—риндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Суннатилла ИСЛАМОВ

Абдулла ТУРДИЕВ

ШОИРЛИК ҲАМ... ҚИСМАТ ҚЎЙГАН... ОТДИР, БОЛАМ...

ВАТАН

ВАТАН, кўз очасан ҳар тонг қароғда,
Ҳар кеч юрагимга ботасан ВАТАН.
Ўлсам—ўйиб ёзар ИСМИМ тупроққа,
Тепамда тош бўлиб қотасан, ВАТАН!
Тириклик тахти хоҳ, хоҳ фано бошда—
Бир суюк ОНАсан, ОТАсан, ВАТАН!
Қисмати—бир ҳовуч тупроқ болангни—
Ва мангу қучоқлаб ётасан, ВАТАН!

ДЎППИ

Лоқайд овутамиз гоҳида ўзни—
Дўппи топилгай деб...омон бўлса бош.
Мангуга тарк этмас Ўзбекни—бизни—
Асли дўппиларда акс этар қуёш.

Ногаҳон ғупириб ваҳшийлик қонда—
Биринг кўзини бошқаси ўйган.
Қай бир талотўпда...қай бир суронда—
Кўплар дўпписини ...ўўқотиб қўйган!

МЎЪЖИЗА

Мен гулларнинг мавжини ичдим,
Шабнамларни ҳидладим тўйиб.
Ишқнинг асов дарёсин кечдим —
Ҳаётимни гаровга қўйиб.

Сўнгсиз уммон — чилвир соч — дарё,
Оҳ! Тўлқинлар мавжида нетдим?!
Чўкиб—чўкиб — мен бахтиқаро
Мўъжизага айланиб кетдим!!

Сезаяпман—сўнгги дамлар умрим оти оқсаяпти,
Худди тордай таранглашиб асаблар ҳам қақшаяпти.
Тиниқлашган фикрларим бир ҳикматни ёқлаяпти—
Шу ҳикматдан отанг қалби шоддир, болам.

Ноёб гавҳар сотиб олдим— ҳалол топиб, йиққанимга—
Ғурур туяр юрагим ҳам пок қавмдан чиққанимга.
Ҳақ йўлида тўғри сўйлаб гоҳ ёқмадим туққанимга—
Ялтоқланиш қон—қонимга ётдир, болам.

Муҳаббатга сиғиндим... оҳ, юракдаги «оҳ»им билан,
Аллоҳ бизни учраштирди бир фаришта— «моҳ»им билан,
Шу бояқиш... бир аёлга Яратгандан умр тилаб—
Она — суюк, Она — буюк зотдир, болам.

Мен юракка умид экдим — ҳар умидга боқиб илҳақ,
О, илоё. Умидларим—Чинор бўлсин умри барҳақ.
«ШОИР...ликдан нима топдим?!»—сен ўйларсан,
ўйларинг — ҳақ!—
Шоирлик ҳам қисмат қўйган отдир, болам.

Ишонаман — уч гавҳарим менинг умрим фузун айлар,
Йўлларимнинг давомини Кун сочидай узун айлар.
Яхшилигим кўз—кўз этиб, ишкомдаги узум айлар—
Бу — қонимдан ёзилган шеър — хатдир, болам.

Чумолилар қачон боқма — доим дон—дун тарафдадур,
Гоҳ тайёрга айёрлар бор—тилим мудом «Ё, раб!»дадур.
Яхшиликка от чоптириб, олқиш олган шарафдадур—
Ҳаром—хариш ҳалолликка мотдир, болам.

Кетмон билан бахт топганлар — мол—давлати лак—лак эмас,
Ортиб бола—чақалардан... нечун, йўлим — Ҳажга демас?!
Яхшиларга ёндошгину... яхшиларга қилгин ҳавас—
Ҳар заҳматинг, боқ, самари — қанддир болам.

Назаримда, ғўр Отаман — панд ўқишга ҳали эрта,
Қуёшга тик боққанмисан ҳаётингда бирон марта?!

Ютасан ё ютқазасан — ҳаёт худди сирли қарта—
Меҳнат билан ҳалол ризқинг нақддир, болам.

Мен ўзимни олиб қочдим миннатлининг сув—ошидан,
Тақдиримнинг ипи чигал... айтаверсам — бир бошидан.
Маъни топдим буюк юртнинг ҳар гиёҳи, ҳар тошидан—
«Ёвга—ёвман!»— бу, мендаги онтдир, болам.

Бўйлагин — сен, ҳар бир одам нақ дарахтга ўхшаб кетар,
Болта тегса... томирига ... тани—жони қақшаб кетар.
Қишдан омон чиққан куртак... баҳору ёз, кузга етар—
«Чирт» узилган ҳар япроғи «оҳ»дир, болам.

Халқ айтади: «Олма тушар—ҳар олманинг таг—остига...»
Қобил фарзанд тортгай бешак, қони тоза—ўз наслига!
Шу қон Сизни чорлаб тургай Эзгуликнинг то васлига,
Ўчмоқ бўлган ҳар юракни ёндир, болам.

Панд тинглашнинг келажаги...о, зиёбахш—нурли бўлғай,
Панд айтгувчи кимсалар ҳам беш панжадай турли бўлғай.
Ҳаёт йўли гоҳо текис, гоҳо нобоп—ўрли бўлғай—
Ҳар бир инсон ўз—ўзига Шоҳдир, болам.

Одамларнинг ғийбатидан... «Мана бундай!» тўйиб кетдим,
Ғуруримни дўппи айлаб... осмонимга қўйиб кетдим.
«Ўйлайсанми, бу кунингдан?!»—алалхусус, фикр этдим:
Бу... мисоли бедаво дард—бод...дир, болам.

Азал—азал халқим ўзи уруғ сочар шу тупроққа,
Сен ҳам гулу ниҳол эккин ЎЗ—БЕ—КИС—ТОН ... деган боққа!
Ҳақгўй элим, иншооллоҳ, айиради оқни оққа —
Бу—боқийлик пештоқида... панд...дир, болам.

Абдуллоҳ... бу — «Аллоҳ қули» мўминларга севикли ном,
Қуёш айни тиккададир... насиб этса узоқдир шом.
Юрагимни баъзан доғлаб яшаяпман — билсанг, мудом—
Оғриқ билан қалам сурмоқ — бахтдир, болам!
ШОИРЛИК ҳам қисмат қўйган отдир, болам!

«Ўзпахтасаноат» корхоналарида

ТОЛА СИФАТИ-ДАРОМАД МАНБАИ

Кейинги йилларда Бу—хоро вилояти пахтачили—гида катта ютуқлар қўлга киритилаётир. Табиатнинг синовлари ва машаққат—ларини ишнинг кўзини билиб, енгиб ўтиш нати—жасида ҳосилдорлик йил—дан—йилга ортиб бораё—тир. Ишлаб чиқарилаётган пахта хом ашёсидан оли—наётган толанинг сифати жаҳон бозорлари талабига тўлиқ мос келаётгани ҳам қувончли. Харидори сероб. Демак, даромад манбаи ҳам ортаётир. Йил бўйи пе—шона тери тўккан деҳқон етиштирилган пахтадан кўпроқ манфаат кўрса қувонмай бўладими!

Биз Бухорода бўлгани—мизда вилоят «Пахтаса—ноат» уюшмаси раиси Аҳмад Мирмуллаев ҳузу—рига кириб, илғор корхо—налар ҳақида мақола тай—ёрлаш муддаомизни айтдик. Бирлашма раиси ҳеч икка—ланмай «Қоракўл пахта то—залаш» ҳиссадорлик жамияти ҳақида ёзишни тавсия этди.

Қоракўлликлар бутун дунёга танилган зиёлилари билан бир қаторда тажри—бакор пахтакорлари билан ҳам фахрланишади. Бутун мамлакат пахтакорлари учун оғир келаётган кейинги йил—ларда Қоракўлда юқори на—тижалар қўлга киритилаё—тир. «Қоракўл пахта тоза—лаш» очиқ турдаги ҳисса—дорлик жамиятидан олинган маълумотлар ҳам шу ютуқ—лардан далолат бериб ту—рибди. Пахтани қайта иш—ловчиларга сифатли хом ашё етказиб берилса, бундан хўжалик ҳам, қайта ишлов—чилар ҳам кўпроқ манфаат кўради. Бозор иқтисодиёти талаби ҳам шундай. Ҳисса—дорлик жамияти иқтисодчи—лари берган маълумотига кўра тола олиш режадан 34,7 фоиз ўрнига 35 фоизни ташкил этаётир. Бу мамла—кат бўйича ҳам энг юқори кўрсаткичга киради. Нати—жада экспорт ҳажми ҳам ортиб бораётир. Ўтган йилни ҳиссадорлик жамияти 318 миллион 200 минг сўм соф фойда билан якунлади. Бу электр энергияси, транспорт ва ёқилғидан тежамкорлик билан фойдаланиш, илғор ва камхаражат технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасидир.

Манфаатдорлик ортиб боргани сари, ишчи—хиз—матчиларнинг ижтимой ҳи—моясига эътиборни кучай—тириш учун имкониятлар очилаверади.

—Ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан ишчиларга уч маҳал иссиқ овқат берила—ётир,— дейди корхона ка—саба уюшмаси раиси Ди—лором Нарзиева.— 80 ўринли ошхонада турли хил лаззатли таомлар тайёрла—нади. Ишчилар сут маҳсу—лотлари билан мунтазам таъминланиб борилаётир. Айниқса, пенсия ёшига ет—ган ишчиларга катта иззат—эҳтиром кўрсатилаётир. Агар пенсияга чиқаётган ишчимиз шу корхонада 21 йилдан ортиқ ишлаган бўл—са, унга бир йўла 7 мансаб маоши миқдорида мукофот пули берилади. Ишчилар—нинг ўртача ойлик маоши 62 минг 262 сўм эканини ино—батга олиб ҳисоб—китоб қилинса, пенсияга кузати—лувчи жуда катта моддий ёрдам олади. Ўтган йили етти нафар пенсияга кузатилув—чиларга шу мақсадда икки ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ундан ташқари, 2—3 ёшгача фар—занди бор уйда ўтирган оналарга ҳар ойда 20 минг сўмдан қўшимча нафақа тайинланган.

Касаба уюшмаси томо—нидан ишчиларнинг маросим ва маъракалари учун 11,7 миллион, қўшимча ва му—кофотлар учун 83,5 миллион сўм маблағ сарфланган. Йўл қуриш ва ободонлаштириш учун эса 140 миллион сўм ажратилган.

—Ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили Қоракўл ва Олот туманлари хўжаликлари ҳамда фермерлари томони—дан тайёрланган 49 минг 174 тонна пахта қайта ишлан—ди,— дейди жамият раиси Меҳмон Янгиев. —Вилоят—нинг тўртта тумани учун бир ярим минг тоннадан ортиқ «Бухоро—6», «Бухоро—8» навли уруғлик чигити тай—ёрланди. Уруғлик сифатига жуда кўп нарса боғлиқ. Шунинг учун ҳам уруғлик тайёрлаш қоида ва талаб—ларига тўлиқ жавоб бера—диган ҳолатда иш олиб бо—рилди. Ўйлаймизки, бу ўз самарасини, ширин мева—сини беради. Биз билан ҳамкорлик қилаётган пах—такорлар бу йил ҳам катта натижаларга эришади.

Биз ҳам ҳиссадорлар сардорининг ниятларига ниятимиз ҳамоҳанглигини билдирдик. Меҳмон Ян—гиев билан хайрлашар эканмиз, у табиатнинг уйғониши, деҳқончилик ишларининг бошланиши, одамларнинг кайфиятини кўтарувчи, меҳнатга ун—довчи — она табиатнинг бетакрор мавсуми—Нав—рўзи Олам билан мамла—катимиз аҳолисини газе—тамиз орқали самимий муборакбод этишини бил—дирди. Янгиланиш, бунёд—корлик ва яратувчилик байрами қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

ҲОРДИҚ МАНЗИЛИ

Ривоят

КЕЛИН ИЗЛАГАН ОТАХОН

Қадимда бир деҳқоннинг фарзанди улғайгач, отанинг бошига ўғлини уйлантириш ташвиши тушибди. Аммо кимга? Ота ўғлига муносиб қиз топишга анча қийналибди, чунки ўғли унча-мунча қизга рози бўлмабди.Деҳқон ўғлини жуда ҳам ақлли,одобли қилиб тарбиялаган экан-да.

Ўғлига келин тополмай кўп азият чеккан ота охири бир хийла ўйлаб топибди.

Қўшни қишлоқ кўчасида эшак арава минган бир чол пайдо бўлиб, бор овози билан ширинлик сотаётганини ҳаммага маълум қиларди.

Шунда бирин-кетин қизлар уйларидан чиқиб, ширинлик сотаётган чолни ўраб олишибди.

— Бобо, нима сотяпсиз?

— Ширинлик, қизларим, ширинлик!

— Қанчадан?

— Мен ширинликни пулга сотмайман. Ким қанча кўп супринди, хас-хашак келтирса, ана ўшанга шунча кўп ширинлик бераман.

Бу гапларни эшитган қизлар чопганларича қўлларига супурги олиб, суприндиларни йиғишга тушишибди.Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қизлар бирин-кетин уюм-уюм суприндиларни билан чолни ўраб олишибди. Қария кимнинг қанча йиққанлигига қараб ширинлик тарқата бошлабди. Қизлар яна орқаларига қайтиб, кўпроқ ширинлик олиш мақсадида супургига ёпишишар экан.

Шу пайт чолнинг олдига ниҳоятда гўзал бир қиз қўлида бир тутамгина хас билан келибди.

— Йиққан хас-хашагинг бунча кам? — сўрабди қария. — Нима қилай,бобожон, — уйимизни тоза қилиб супуриб қўйгандим, нима, бу ширинликка етмайдими?

— Йўқ, асал қизим, сен қанча ширинлик хоҳласанг шунча бераман.

Чол ортига қайтибди-ю, эртасига ҳалиги қизнинг уйига совчи юборибди.

Шундай қилиб, чол кўнглидаги келинни топганидан мамнун бўлган экан.

М.СИДДИҚОВ

Ҳур сўзлар — Болалик, Баҳорга Таъриф қидирсангиз агарда.

Баҳор болаликдай беғубор Болалик покиза баҳордай.

Спорт оламида

АНТИРЕКОРД СОҲИБАСИ

2004 йилнинг энг яхши енгил атлетикачиси, лангарга таяниб сакраш бўйича Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги олимпиадаси чемпиони Елена Исинбоева ўзининг фаолияти мобайнида 13-марта жаҳон рекордини ўрнатди. Испания пойтахти Мадридда жойлашган ёпиқ спорт мажмуаларидан бирида ўтказилган Европа чемпионатида у 4 метру 90 сантиметр баландликни забт этди. Унинг бу мавсумдаги тўртинчи жаҳон рекордидир. Елена дастлаб Донецкда ўтказилган мусобақада 4,87 баландликка сакраганди. Бирменгемдаги турнирда эса Елена бу масофани бир сантиметрга оширганди. Галдаги рекорд Франциянинг Льевен шаҳрида содир бўлди-натижа 4,89 см. Мусобақа сўнггида уни ҳамюрти лангарга таяниб сакраш мусобақасининг кўпкарра ғолиби Сергей Бубка табриклади. Еленанинг бу натижаси унга Европа чемпионлигини олиб берди. Эслатиб ўтамиз, спортчининг медаллар музейида айнан бу унвон йўқ эди.

АБРАМОВИЧ ЭНГ БОЙ ХЎЖАЙИН

Американинг «Forbes» ҳафтаномаси 19-марта дунёнинг энг бой одамлари рўйхатини маълум қилди. Рўйхатни Американинг «Microsoft» компанияси хўжайини Билл Гейтс 46,5 миллиард АҚШ доллари билан бошқариб бормоқда. Иккинчи ўринни ҳам америкалик Уорен Баффет (Berkshire Heathaway компанияси хўжайини) 44 миллиард билан банд этган. Россиялик энг бой тадбиркор, «Челси» клуби хўжайини Роман Абрамович 13,3 миллиард доллар билан 21-ўринни эгаллаган. «Милан» клуби хўжайини Сильвио Берлускони эса 12 миллиард доллар билан 25-ўриндан жой олган. Шунингдек, Абрамович энг бой клуб хўжайини деб тан олинди.

КРИС БЕРД ГЕРМАНИЯГА БОРМАЙДИ

Супер оғир вазн бўйича IBF камари соҳиби Крис Берднинг украиналик Кличколарнинг кичиги Владимир билан жанг олиб бориши ҳақидаги ўйлар ниҳоясига етди. Маълум бўлишича, боксчининг хотини Трейси уни Германияга боришига қаршилик қилган. Бу эса ўз-ўзидан учрашув ўтказилмаслигини билдирди. Крис Берд ўз интервьюларида Владимирга қарши рингга чиқишни жуда истаётганини айтиб ўтган эди. Аммо у хотинининг раъйини қайтара олмаган.

Энди Владимир ким билан жанг олиб боради деган савол сўроқ остида қолаётган бир пайтда, унга дарҳол рақиб топилди. Белоруслик Виталий Ляхович унга муносиб рақиб бўлишини айтиб, кичик Кличкони рингга чақирди. Бу учрашув 23 апрел куни Германиянинг Дортмунд шаҳрида бўлиб ўтади. Профессионал бокс мутахассислари томонидан WBC камари соҳиби, сайёрамизнинг айни кунлардаги энг кучли боксчиси Виталий Кличко билан жанг олиб борадиган америкалик Хассим Раҳмон ўртасида ўтадиган учрашув кунини эълон қилди. Бу «муштлашув» 30 апрел куни Нью-Йоркда бўлиб ўтади.

Ислом ТИЛЛАБОЕВ

Ғаройиб олам

АЖОЙИБ ҚОНУНЛАР

● Ер юзида турли хил миллат вакиллари бўлгани каби уларнинг қонун-қоидалари ҳам турлича бўларкан. Масалан, Калифорнияда ковбой ботинкаларини иккита сигири бўлмаган киши кийиб юриши мумкин эмас.

● Яна шу мамлакатда судда кўрсатма бераётган кишининг йиғлаши маън этилган.

● Бу ерда ички кийимда машина ювганларга нисбатан катта жарима солинаркан.

● Аризонанинг Моухейв Каунти шаҳрида совун ўғирлаган киши ўша совун тугагунча ювинишга мажбур этиларкан. Яхшиямки, совунлар ғиштдай-ғиштдай эмас! Бўлмаса, ким биларди дейсиз.

● Яна бу мамлакатда музқаймоқни чўнтакда олиб юрганларга, аёллар олдида беадаблик қилиб тупурганларга нисбатан ҳам жарима жорий қилинган.

● Агар бу шаҳарда кимдир бирор кактусни нобуд қилгудай бўлса, 25 йил қамоқда ўтиришига тўғри келади. Ҳаммасидан энг қизиғи, турмушга чиқмаган аёлларни балиқ овига ёлғиз бориши тақиқланганлиги.

● Глоуб шаҳрида эса кўчада ҳиндулар билан карта ўйнаш маън этилган.

● Алабамаликлар эса ўз хотинларига сал ўйлаброқ муомала қилишларига тўғри келади. Улар учун қуйидагича қонун бор: Бу ерда эркаклар хотинларини бош бармоқларини диаметиридан йўғонроқ таёқ билан урганда бўлса, зудлик билан белгилаб қўйилган жаримани тўлашга мажбур қилинаркан.

● Оклахомада шаҳар меридан рухсати бўлмаган итларни учтадан ортиқ тўпланиб туриши таъқиқланган. Ана шунақа гаплар, одамзод нималарни ўйлаб топмайди дейсиз!

М. РАҲМАТОВ ТЎПЛАДИ.

Илоҳий қувватга ишонасизми?

ТАҚВОДОР ШОИРА

Яқинларининг айтишича, рус шоираси Марина Цветаева ўта художўй, шу билан бирга келгусида юз берадиган воқеа-ҳодисаларни олдиндан айта олиш қобилиятига эга бўлган ва буни у қариндошларидан сир тутмаган. Лекин у ўзидаги илоҳий қувватни авлиё Иосааф Белгородскийдан олишини синглиси Анастасиядан бошқа ҳеч кимга айтмаган экан.

Православлар Екатерина II даврида Епископ бўлган, вафот этгач хушбўй ҳид таратувчи мурдаси кумуш саркофатга жойлаштирилиб дафн этилган авлиёнинг сағанасига фақат Рождество арафасида келиб, уни зиёрат қиларидилар. Зиёратчилар ораси-да,албатта, Марина ва унинг синглиси ҳам бўларди. Авлиёнинг хоки бошқа зиёратчиларга қандай таъсир қиларди, билмадигу, лекин Марина унга яқинлашган сари яқин ўртада Цветаевалар авлоди бошдан кечирадиган ташвишли ва қувончли кунлар ҳақида аниқ башорат қила бошларди. Бундан ташқари у севимли Ватанини олдинда нималар кутаётганини ҳам айта оларди.

Ҳукумат алмашгач, большевиклар ибодатхона майдонига ҳеч кимни яқинлаштирмай қўйишди. 1921 йилда ҳамон ўзидаги фазилатни йўқотмаган Марина синглисига Авлиё Иосааф уни тарк этмаганини, аксинча, ҳар тун тушига кириб, ҳолидан хабар олишини айтиб берганди.

Марина синглисига бу ташвишли хабарни билдирганидан сўнг хасталаниб, ётиб қолди. Унинг касали қисман шолга ўхшаб, кўзига турли қўрқинчли нарсалар кўриниб, алаҳсирарди. Анастасиянинг хаёлидан авлиёнинг жасади қўйилган жойни қидириб топиб, уни ўз ўрнига қайтаришларини сўрамаса, опаси ўлиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги ўй кетмас эди. Анастасия Ивановна ўзининг «Ғаройиб ва ғаройиботлар ҳақида» деб номланган китобида бу ҳақда ёзган.

Авлиё Иосааф руҳининг Марина Цветаеванинг ҳаёти ва ўлимига фожиали таъсири хусусида адабиётшуносликда аниқ бир фикр билдирилмаган. Унинг синглиси билдирган далиллар эса, жуда оз.

Бироқ Анастасия Ивановна А.Пушкиннинг ижодини ўрганаётганида Марина шоир умрининг охири-1937 йил лабиринтлари бўйлаб уни авлиё Иосаафнинг руҳи «етаклаб» юргани, бироқ келгусидаги шахсий ҳаётини «кўриш»га йўл қўймаганини айтиши қизиқ эмасми? У денгиз тўлқинига ўхшаш товушлар орасидан авлиёнинг:«Художўй, ҳалол ва адолатли инсонларнинг мурдаси ҳам пок бўлади» деган овозини эшитганлигини маълум қилади.

Нима учун ўзини худо йўлида хизмат қилишга бағишлаганлар ўлгандан кейин ҳам тирикдек бўлишади ёки тириклигида одамларга фақат ёмонлик қилганларнинг мурдаси гўрга олиб борилмасданоқ айний бошлаши кўпдан бери мавжуд бўлган жумбоқ. Унинг тагига етиш учун кўплар бош қотирмоқда.

«Аллоҳ мутеъ ва мўмин бандаларга мангуликни инъом этади, бадбин инсонларнинг мурдаси эса, иблисга қурол бўлиб хизмат қилади» деб ёзганди Марина Цветаева. Бу фикрда инсоният учун зарур бўлган бир олам маъно яширинган десак, хато қилмаймиз.

Хориж матбуотидан Г.ДИЛМУРОДОВА таржимаси.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

СОВУТГИЧ

Бугунги кунда бизнинг кундалик эҳтиёжимиз учун ўта зарур буюмлардан бири совутгич бир вақтнинг ўзида уч олим-англиялик Жон Лесли, франциялик Франсуа Карре ва олмониялик Фердинанд Виндхаузенлар томонидан деярли бир вақтнинг ўзида, яъни XIX асрнинг ўрталарида бир-биридан бехабар ҳолда ихтиро қилинган.

1887 йили Парижда бўлиб ўтган саноат кўргазмасида биринчи марта совутгич намойиш этилган. Бу совутгичлар содда, катта, тежамсиз бўлиш билан бирга ҳаракат тартиби ҳам доимий эмасди. Озиқ-овқатлар 2-3 кун сақланарди, холос. Аммо бу янгилик ўша вақтда барибир катта шов-шувга эга эди.

ВЕЛОСИПЕД

Бу йил ўзининг 165 ёшини «нишонлаётган» икки оёқли транспорт-велосипедни биринчи бўлиб Шотландия фуқароси Кирпатрик Мак Миллан 1840 йили ихтиро қилган.

ГАЗЕТА

Биринчи газета Венецияда, XVI аср бошларида пайдо бўлган. Бу ердаги маддоҳ ва жарчилар хабарларни оқ қоғозга тош босма билан босиб, бадиий безаб сота бошлаганлар. Дастлаб бундай қоғозлар бир газета-«бир танга» (Венеция пул бирлиги) турган. Бора-бора бу сўз оммалашиб, мазкур нашрлар газета номини олиб кетган.

МУЗҚАЙМОҚ

Нафақат болаларга балки, биз катталар учун ҳам севимли бўлган музқаймоқ ўта қадимий неъмат ҳисобланади. Унинг келиб чиқиш тарихи эрамиздан аввалги замонларга, иссиқ мамлакатларга бориб тақалади.

Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн Ҳиндистонни забт этган пайтида у ҳиндларнинг ажойиб анъанасидан ҳайрон қолган, яъни улар жазирама кунларда музлатилган сутни шимиб ўтиришаркан.

ТЕМИР ЙЎЛ

Маълум бўлишича, 1764 йили қирол Людовик XVI буйруғи билан Париж шаҳрида узунлиги бор-йўғи 100 метр бўлган илк темир йўл қурилган. Унга қирол тушган арава ўрнатилиб, кўплаб хизматчилар ёрдамида юргизилган.

ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Сайёрамиздаги энг қадимий ҳайвонот боғи эрамиздан аввалги I асрда Рим императори Август буйруғи билан ташкил этилган. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган 3500 жонивор яшаган.

З. ВАҲОБОВА тайёрлади.

«МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ» МУЗЕЙИ

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари севиб томоша қиладиган «Мўъжизалар майдони» кўрсатувига ўзингизга маълумки, ҳеч ким қуруқ қўл билан бормайди. «Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз» деганларидек кўрсатув ташкил бўлгандан бери қатнашувчилар нималарни совға қилишмади дейсиз.

Кўрсатувни ташкил қилган ва илк бор олиб борган Влад Листьев биринчи қатнашувчи томонидан келтирилган совғани олар экан, беихтиёр ушбу совға «Мўжизалар майдони» музейига, деб юборади. Ваҳоланки, ўша пайтда ҳеч қандай музей бўлмаганди. Аввал келтирилган совғалар Влад Листьев хонасидан жой оларди. Кейинчалик Леонид Якубович хонасига жойлаштирилди. Бора-бора совғалар кўпайиб «Останкино» телемаркази коридорларига ҳам қўйила бошлади. Бир тасаввур қилинг, бир йилда 52 марта ўйин ўтказилар экан. Ҳар ўйинда 9 қатнашчи иштирок этади. Уларнинг ҳар бири ноёб совғалар билан ташриф буюришади.

Ҳозирда ушбу совғаларни қизиқувчилар келиб ўз кўзи билан кўришлари учун ВВЦ нинг марказида музей ташкил қилинган. Ушбу музейга бир ярим мингтага яқин совғалар жойлаштирилган бўлиб, ҳар икки ойда музей ходимлари буюмларни ўрнига янгисини қўйиб алмаштириб туришади.

Ушбу музейда Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг Берлингача кийиб борган каскасидан тортиб, қимматбаҳо ҳисобланган қадимий осори атиқаларгача учратиш мумкин. Музейга томошага келганлар бу ердаги миллий кийимларни кийиб кўриш ва бу кийимларда суратга тушишлари ҳам мумкин.

Гоҳида совғалар ичида антиқалари ҳам учраб туради. Бир марта бир қатнашчи юк машинасида ўз қўли билан ғиштдан ясаган ҳақиқий рус печкасини келтирган эди. Печь бир неча вақт студияда съёмкаларга ҳалақит қилиб турган, кейин сирли равишда ғойиб бўлган.

Ҳа, уни кўрсатув ташкилотчиларидан бири ўз дала ҳовлисига олиб кетган бўлса керак.

Р.ИСМАИЛОВА тайёрлади

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Энг ёш оила Швейцариянинг Боден кўли яқинидаги Линдау деган шаҳарчада яшайди. Улар Бланка ва Оливер Граллолардир. Шундай бўлса-да, уларнинг тўрт нафар: олти ёшли эгизаклар — Стефания ва Ивона, уч ёшли Оливер ва бир яшар Женнифер исмли фарзандлари бор. Болаларни тарбиялашда уларнинг бувилари — Бланканинг 38 ёшли онаси қарашади.

***

Энг кичик магнитофонни жаҳонга донғи кетган Японияннинг «SONY» фирмасининг мутахассислари ишлаб чиқди. Магнитофон кассетасининг ҳажми почта маркаси билан тенг бўлиб, яъни қалинлиги 5 миллиметр, узунаси 3 сантиметр, энига эса 2,15 сантиметр. Кассета стандарт ҳолатидан тўрт марта кичик бўлишига қарамай, 2 соат айланади.

***

Энг осон тил тилшуносларнинг айтишича, гавайликларнинг полинезия шеваси ҳисобланар экан. Унда атиги бор-йўғи 6 та ундош, 5 та унли бор. Бундан ташқари бирорта ҳам талаффузи қийин сўзлар йўқ. Аммо бу тилни ўрганиш кўпам осон эмас. Чунки 11 товуш имлосидан жаҳон тиллари конструкциясидаги сўзларни тузиб кўринг-чи!

***

Дунёда энг эски ер ости йўли Франциянинг Тулон шаҳрида бўлиб, 1681 йили қазилган ва ҳозирги кунгача ундан фойдаланиб келинади. Бу лаҳмнинг узунлиги 157 м, эни 7 м, баландлиги эса 8 метрдир. Қизиғи шундаки, у шу пайтгача бирор марта ҳам қайта таъмирланмаган, яъни бунга эҳтиёж сезилмаган.

***

Энг катта кинотеатр «Radio City Music Hall» деб номланиб, у Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Ушбу муҳташам сарой ўзига 5910 кишини сиғдира олади. Янги кинофильмлар премьераси, қизиқарли тадбирлар айнан шу ерда бўлади. Кечки сеанслар пайтида кинотеатр одамлар билан лиқ тўлади.

С. ШОШИЙ тайёрлади.

МАСЛАҲАТХОНА

● Совуқ ичимликларни шишанинг оғзидан ичиш соғлиққа зарардир. Чунки, юрак қисқариши суюқликни хўплашга мослашган. Шунинг учун ҳам уни пиёлага қуйиб ичиш кони фойдадир.

● Эрталабки нонуштага хасип, колбаса, сариёғ, қаймоқ, шакарли нон ва чой тановул қилинса, бу экологик жиҳатдан тоза бўлмайди ва саломатликка зиёндир.

● Агар нонушта куйдирилган сариёғ, узум, чой, суви қочган нон ҳамда асалдан иборат бўлса, экологик жиҳатдан тоза нонушта ҳисобланади.

● Ҳаммомда совуқ сув ичиш ўз-ўзига душманликдир. Бу ҳол кўп ўтмай турли хасталикларни келтириб чиқаради. Ҳатто ҳаммомдан чиққач ҳам кун бўйи совуқ ичимлик ичмаганингиз маъқул.

● Товуқ гўштидан чиққан суякларни чиқиндига ташлашга шошилманг, уларни туйиб, кепак ва майса аралаштириб, товуқларингизга беринг. Шундан кейин товуқларингизнинг тухум қилиши 2-3 баробар кўпаяди ва бу тухумлар анча фойдалидир.

● Ўрик довуччаси — ғўраси қон ва қанд касаллигига даво.

● Баҳорда, «илик узилди» фаслида наъматак қайнатмаси ҳамма учун қувватбахш чой ҳисобланади.

● Куя капалакларни йўқ қилишни истасангиз, ликопларга қатиқ ёки қатиқ зардобини солиб, у ер-бу ерга қўйиб қўйинг. Кушандалар қирилиб кетади.

МАНСУБА тўплади.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗГА

«НАВРЎЗ» ТОРТИ



МАСАЛЛИҚ: 1 стакан қаймоқ, 2 стакан шакар, 280гр.сариёғ, 0,5 банка қуюлтирилган сут, 3 стакан ун, 1 дона тухум, сода.

ТАЙЁРЛАШ: Идишга қаймоқ қуйиб, унга 1 стакан шакар,30гр. юмшатилган сариёғ қўшилади. Улар аралаштирилгач, 3 стакан ун, 1 чой қошиқда сода солиб, юмшоқ хамир қорилади. Хамирни қолипга мўлжаллаб 4 ёки 6 қисмга бўлинади ва ёйиб пиширилади. Кулчаларга крем суртиб, тортнинг устини дидингизга қараб баҳор нафаси билан безатинг, сумалак учун кўкламилган буғдой майсаларидан фойдаланишингиз ҳам мумкин.

КРЕМ ТАЙЁРЛАШ: 250 гр.сариёғ, 1 стакан шакар, қуюлтирилган сут, тухум аралаштирилади. Аралаштириш жараёнида 2 марта 3 ош қошиқда қайнатилган совуқ сут қўшилади.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 227. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлим —136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00